

ТАРЖИМА ВА ФАЛСАФА МУАММОЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ (ФРАНЦУЗЧА-ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМА МАТНЛАР МИСОЛИДА)

Гулсара Содиковна КУРБОНОВА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
Француз филологияси кафедраси
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Тошкент, Ўзбекистон

ВЗАИМОСВЯЗЬ ПЕРЕВОДА И ПРОБЛЕМ ФИЛОСОФИИ (НА ПРИМЕРЕ ТЕКСТОВ ПЕРЕВОДА С ФРАНЦУЗСКОГО НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК)

Гулсара Содиковна КУРБОНОВА

Доктор философии по филологическим наукам (PhD), доцент
Кафедра французской филологии
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Ташкент, Узбекистан

INTERCONNECTION OF TRANSLATION AND PROBLEMS OF PHILOSOPHY (ON THE EXAMPLE OF TRANSLATING TEXTS FROM FRENCH INTO UZBEK)

Gulsara Sodikovna KURBONOVA

PhD, Associate Professor
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 811.113:512.133 (575.1)

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Курбонова Г.С. Таржима ва фалсафа муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги (французча-ўзбекча таржима матнлар мисолида) // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 4 (39). — Б. 98-112.

<https://doi.org/10.36078/1633682317>

Received: June 02, 2021

Accepted: August 17, 2021

Published: August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Ушбу мақола таржиманинг фалсафий жиҳатлари ва герменевтик таржима муаммоларини ўрганишга бағишланди. Мақолада амалий фалсафа ҳамда таржима назариясининг ўзаро кесишиши каби муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Унда таржима ва фалсафа муносабатлари умумгуманитар фанлар муаммолари доирасида файласуф ва филолог-таржимонларнинг ўзаро ҳамкорлигининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган ҳамда таржима назарияси ва амалиёти асосида герменевтик ёндашувнинг ахамияти тўғрисида таржимашунос олимлар қарашлари ўрганилди. Мақолада герменевтика инсонпарварлик ходисаларини тушуниш ва талқин қилиш доктринаси сифатида қадимги юнон мутафаккирлари даврида ўз ривожини бошлагани, ҳозирги вақтда герменевтика инсоннинг маънавий тажрибасини англаш шаклларида бири, инсонпарварлик маънолари ва қадриятларини яратиш ва тушуниш фани сифатида намоён бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилди. Матндаги ахборот мазмуни тушуниш, изоҳлаш, шарҳлаш ва талқин қилиш каби герменевтик ёндашув асосида ўрганилган. Ушбу таржиманинг герменевтик аспекти орқали француз ёзувчиси Амин Маалуфнинг шарқ халқларининг ижтимоий-маданий ҳаётини тасвирловчи “Самарқанд” асарининг миллий тил воситалари ёрдамида ўзбек тилида қайта яратилиши адекват таржима мезони асосида амалга оширилган. Хусусан,

ассоциатив-герменевтик таржима матн муаллифи ва китобхон (реципиент) муносабати таржима трансформациясини ҳосил қилиши ўрганилган.

Калит сўзлар: амалий фалсафа; таржима фалсафаси; герменевтик таржима; таржима трансформацияси; матн муаллифи; интерпретация; адекват таржима.

Аннотация. Статъя посвящена исследованию философских аспектов перевода и проблемам герменевтического перевода. Особое внимание уделяется вопросам пересечения практической философии и теории перевода. Рассмотрены теоретические аспекты взаимодействия философов и филологов-переводчиков в области перевода и философские отношения в общегуманитарных науках, а также взгляды переводчиков на важность герменевтического подхода, основанного на теории и практике перевода. В статье анализируются данные о том, что герменевтика как учение о понимании и толковании культурного опыта человечества начала развиваться еще во времена древнегреческих мыслителей, а теперь герменевтика одна из форм понимания духовного опыта человека, наука о созидании и понимании человеческих ценностей. Содержание информации в тексте изучается на основе герменевтических признаков, таких как понимание, толкование и интерпретация. Через герменевтический аспект на основе адекватных критериев перевода осуществлено воссоздание произведения французского писателя Амина Маалуфа «Самарканд» на узбекском языке средствами национального языка, описывающего социокультурную жизнь народов Востока. В частности, было изучено, что ассоциативно-герменевтические переводческие отношения между автором текста и читателем (реципиентом) формируют трансформацию перевода.

Ключевые слова: практическая философия; философия перевода; герменевтический перевод; трансформация перевода; автор текста; интерпретация; адекватный перевод.

Abstract. The article is devoted to the study of the philosophical aspects of translation and the problems of hermeneutic translation. The theoretical aspects of the interaction of philosophers and philologists-translators in the field of translation and philosophical relations in general humanities are considered, as well as the views of translators on the importance of a hermeneutic approach based on the theory and practice of translation. The article claims that hermeneutics, as the doctrine of understanding and interpreting the cultural experience of mankind, began to develop in the days of ancient Greek thinkers, and now it is one of the forms of understanding human spiritual experience, the science of creating and understanding human values. The content of information in a text is studied on the basis of hermeneutic features such as understanding, interpretation and explication. Through the hermeneutic aspect on the basis of adequate translation criteria, the work of the French writer Amin Maaluf "Samarkand" was recreated in the Uzbek language by means of the national language, which describes the socio-cultural life of the peoples of the East. In particular, it was studied that the associative-hermeneutic translation relationship between the author of the text and the reader (recipient) forms the transformation of the translation.

Keywords: practical philosophy; philosophy of translation; hermeneutic translation; transformation of translation; author of the text; interpretation; adequate translation.

Кириш. Борлик муаммосини, борлиқнинг турли кўринишларини, барча нарсанинг мавжудлигини, турли ҳодисаларнинг сабабларини тадқиқ этиш дастлабки “фалсафа” номини олди. Фалсафа сўзи қадимги грек тилидаги “севги” ва “донишмандлик” сўзлари асосида пайдо бўлган. У эраиздан аввалги I асрнинг ўрталарида учта цивилизация ўчоғи Қадимги Греция, Қадимги Ҳиндисон ва Қадимги Хитойда бир-биридан мустақил равишда пайдо бўлган. Фалсафий тафаккур Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ижтимоий онгнинг дастлабки шакли сифатида мифология негизида вужудга келган. Қадимги файласуфлар таълимотлари бир тилдан иккинчи тилга, бир маданиятдан бошқасига таржима туфайли етказишга муваффақ бўлинган. Шу тариқа латин, италян, француз, немис ва бошқа тилларда фалсафий тушунча ва категориялар юзага келди. Фалсафа барча фанларнинг асосини ташкил этувчи методологик принципларни намоён этишига қарамадан фикрни шакллантирувчи лингвистик воситаларнинг муаммосини сезмаганидек, таржимани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ фаолият сифатида кўрмаган (1, 7). Фалсафанинг назарий-амалий татбиқи таржима соҳасининг ижодкорлик, яратувчанлик хусусиятлари фалсафа ва таржима муносабатлари натижасида юзага келадиган муаммоларнинг аниқ ифодасини шакллантиради.

Таржимани ўрганиш амалий таржиманинг татбиқи билан бошланган бўлса-да, таржима ҳақидаги фалсафий фикрнинг ривожланиши таржиманинг аниқ назарий ва амалий материали тўплангандан сўнг вужудга кела бошлаган. Бу хусусида, Н. С. Автономова ўзининг илмий қарашларида “фалсафий билишдан ва ўз-ўзини англашдан тил фалсафасига, тил фалсафасидан фалсафани тушунишга ва, ниҳоят, фалсафни тушунишдан таржима фалсафасига силжиш таржима муаммоларини бутун бир занжирини ҳосил қилади”, дея фикр билдиради (1, 7).

Адабиётлар шарҳи. Таржимашунос олимлар XX асрдан эътиборан таржима муаммоларини фалсафа билан боғлиқликда ўргана бошлайдилар. Таржиманинг фалсафий муаммоларини хориж файласуфлари ва лингвистларидан Ж. Деррида (6), В. Беньямин (4), Х.Ортега-и-Гассета (13), Н. С. Автономова (1), Х.-Г. Гадамер (5), Энтони Пима (2) ва бошқалар тадқиқ этган бўлсалар, ўзбек таржимашунослиги масалаларининг фалсафий муаммолари билан Ж.Шарипов (таржима тарихи) (19), Ғ. Саломов (таржимашунослик масалалари) (15), (16) каби олимлар шуғулланганлар. Бироқ шарқ маданиятининг фалсафий масалаларининг таржимада қайта яратилиши муаммолари француз ва ўзбек тилларида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда француз ва ўзбек тилларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тасвирлаб ўрганишга қаратилган қиёсий-чоғиштирама услуб ва таржимашунослик методларидан фойдаланилди.

Асосий қисм. Таржима назарияси, таржима мактаблари, таржима йўналишларининг барчаси бир бутун таржима тушунчасини англатади. Баъзи тилшунос олимлар “таржима назариясини амалий лингвистиканинг таркибий қисми деб ҳисобласа, бошқалар унинг фанлараро боғлиқлига урғу беради” (19, 190). Таржимашунос олимлар таржима назариясини умумий тилшунослик, стилистика, грамматика, лексикология, этнолингвистика, психоллингвистика, адабиётшунослик, социология, герменевтика каби йўналишлар билан қиёсий ўрганадилар

(14). Энтони Пима таржима ва фалсанинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги умумлашган уч ҳолатда кўрсатиб берган: 1) таржиманинг моҳияти ҳақида тўлиқ ва унинг тиллараро муаммолари хусусида қисман мулоҳаза қилиш; 2) таржимашунослар ва таржимонларнинг у ёки бу фалсафий тизим ва назарияни асослашда фалсафага мурожаат қилиши; 3) фалсафий матнлар таржимси ва уларга берилган изоҳлар (2, 24) каби. Пиманинг сўзларига караганда фалсафа бошқа фанлардан термин ва тушунчаларни ўзлаштириб олмайдиган ягона фан, унинг ўзи эса бошқа фанлар яралиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай фан ўзининг пайдо бўлиш жараёнида конкрет фалсафий парадигмага асосланади, яъни ўзининг аниқ чегарасини белгилаб олади. Таржимашунослик дастлаб лингвистиканинг таркибида юзага келган. Фалсафий асарларнинг амалий таржимаси, таржима ва фалсафанинг ўзаро уйғунлигини асослашда асосий халқа вазифасини ўтади. Фақат XX асрга келиб, лингвистик нуқтаи назардан таржима фалсафий мулоҳаза объекти бўлса, таржимашуно-слик таржима назариясининг мустақил назарий фан объекти сифатида шаклланди.

Таржимашунослик ўзининг барча йўналишларида лисоний услубни тақозо этади, чунки таржима ҳар доим тил материаллари орқали амалга оширилади. Таржима — бу илҳом, юксак истеъдод ва интуиция, чуқур филологик билим, тинимсиз луғавий меҳнат ҳамда ўринли илмий шарҳнинг қоришмасидан иборат назарий-ижодий жараёндир (15, 149–150). Умуман олганда, таржима ва таржимашунослик гуманитар фанлар кесимида инсониятга хос турмуш тарзи ва дунёни англаш имконини берувчи антропологик йўналишни ифодалайди. Шу боис, таржима омили фақат ҳаётнинг объектив реал воқелик муаммоларини эмас, балки инсоният ҳаётининг турли эҳтиросли ва тўқнашувли соҳасига ҳам тааллуқлидир. Ҳозирги кунда таржима фалсафий муаммо сифатида талқин этилади. Чунки бугунги глобаллашув даврида халқаро муносабатларнинг ривожланишида таржима муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис, таржиманинг маданиятлараро мулоқот воситаси сифатидаги вазифаси тилшуносликда ҳам, таржимашуносликда ҳам таржиманинг фалсафий муаммоларини ҳал қилишни талаб этади.

Демак, фалсафа аспектида таржима назарияси мустақил фалсафий ёндашув негзида юзага келиши мумкин. Таржима таҳлили фалсафа учун мураккаб жараёндир. Таржима фақатгина лингвистик ҳодиса сифатида тор техник фаолият соҳасини ифодаламайди, балки у инсонларнинг ижод маҳсули бўлиб, маданият, мантик, соҳаларида бутун бир жамиятни, алоҳида олинган индивидни ривожланиши учун асос вазифасини ўтайди.

Таржима — инсониятнинг энг қадим машғулотларидан бири саналади. Тилларнинг турли туманлиги натижасида халқлар ўртасидаги мулоқот ва маънавий қадриятларнинг ўзаро алмашилиш эҳтиёжи машаққатли, бироқ ҳаётий зарур бўлган таржимани юзага келтирди. “Таржима” сўзи кўп маъноли бўлиб, у икки хил терминологик мазмунга эга. Биринчиси, фикр қилиш фаолиятини аниқлайди, таржима жараёнидан бир тилда ифодаланган фикрни бошқа тил воситасида ифодалайди. Иккинчиси, шу жараёни оғзаки ёки ёзма матн деб номлайди. Бу икки тушунчалар турлича бўлса-да, бир-бири

билан диалектик бирлик ҳосил қилади, яъни таржима жарёни ва таржима натижаси бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, турли маданият бирлашмалари бир-бирларини тушуна олмаганидек, бир типдаги тилни бошқа типга ўгириш амалда мумкин эмас. Бундай хулосага келиш, бизнинг фикримизча, ҳаддан ташқари кескин ҳисобланади. Албатта, инсоният ягона тушунча, лекин у турли-туман халқлар, миллатлар, эллатларга бўлинган, улар эса бир неча минглаб тилларда сўзлашадилар. Масалан, Жалолиддин Румий масалида форс, араб, турк, грек тилларининг мулоқоти натижасидаги тушунмовчиликдан келиб чиққан тўқнашувни қиссадан-ҳисса тарзда эслатиб ўтиш жоиз (7, 76). Ушбу тилларда сўзлашувчилар ўзаро мулоқотда турли тилларда гаплашгани учун бир-бирини тушунмайдилар, фақат таржимон уларнинг мақсади бирлигини тушунтира олади. Тил бирлашмаларнинг кўплиги, албатта, турли маданият вакиллари билан мулоқотда сезиларли қийинчиликларни туғдирган. Мазкур оламнинг “нисбий маданий” манзарасида мавжуд ижтимоий ва моддий бирлашманинг ўзига хос ҳаётий ҳамда маданий шаклини файласуф, антрополог, тарихчи, лингвист, психосемантиклар ўзларининг кўплаб тадқиқотларида кўрсатиб бердилар.

Бошқа тилга мансуб матн таржимасида “беғона маданият билан танишиш баробарида стереотиплар тўқнашувидан ҳам қочиб бўлмайди. Шу тариқа инсон ўзининг маданиятини чуқурроқ англай бошлайди” (17, 24). Агарда биз тўқнашув, яъни конфликт сўзини шарҳлайдиган бўлсак, у зиддият, қарама-қаршилиқнинг шакли бўлиб ривожланишнинг бош омили саналишига эътиборимизни қаратишимиз лозим. Бунда гап бошқа тилдаги матн хусусида борар экан, унинг яратувчиси алоҳида бир индивид бўлиб, бошқа бир маданият вакили сифатида ўз-ўзини ривожлантириши маданиятлар ўртасидаги мавжуд зиддиятларни ҳал этиши билан чамбарчас боғлиқлигини англаш зарур. Чунки айнан таржима икки миллат маданиятларининг ўзига хос хусусиятларини тушунишига, маданиятлараро мулоқотни шакллантиришга, миллат маданий онгини янги ахборотлар билан бойитишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам чет тиллар оддийгина коммуникация бирлиги ёки ахборот алмашилиш манбаи бўлиб қолмасдан, балки шахсиятнинг шаклланишида муҳим механизмдир. Ҳар бир алоҳида олинган индивид ўзгаришларга бой дунёни вужудга келтиради. Сабаби дунёда кўп тиллилик ҳолатлари ўсиб, ўзгариб, мураккаблашиб боргани сайин, уларнинг маълумот алмашишлари эҳтиёжга айланиб боради. Бу борада таржиманинг аҳамияти шундаки, у инсонларни янги маданият асосидаги пойдеворини яратади. Натижада, таржима тилмоч сифатидаги ролдан чиқиб, юқори даражадаги инновацион интерпретация мақомига эга бўлади. Айнан шу ерда тилнинг икки хиллик хусусияти тил чегарасидан чиқади ва ижтимоий этник зиддиятларга айланади.

Таржима фаолияти ҳам тил соҳасида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш шаклига айланади, чунки бир тилдан бошқа тилга қилинган таржима мураккаб жамият шароитида инсонни ақлли, илмли бўлишига имкон яратади. Таржима бир тилдан иккинчи бир тилга сўзларни ўтказиб қўйиш эмас, инсон янги тилни ўзлаштирар экан, сўзсиз янги маданиятни ўрганади, янги маданиятни ўрганиш эса маданиятларнинг хилма-хиллигини ривожлантириш орқали кечади. Бу икки ёқлама жараён биринчидан шахснинг ўзгаришига олиб келса,

иккинчидан индивид оркали бутун бир жамиятни ўзгаришига олиб келади.

Герменевтика фалсафий фан гуманитар тадқиқотлар методикаси сифатида узоқ вақт тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келган. Юнон тилидан таржима қилинган “hermenevtika” (hermeneuein) сўзи эълон қилиш, изохлаш, тушунтириш деган маънони англатади. Кенг маънода, “hermenevtika” — бу матнларни талқин қилиш санъати, демакдир. Ушбу санъатнинг келиб чиқиши антик даврдан бошланади. Герменевтика ўз номини қадимги мифологиядаги худоларнинг хабарчиси Гермесдан олди, у нафақат оддий инсонларга Олимп бўйруқларини етказган, балки, уларни изохлаб, шарҳлаб берган. Шундан келиб чиқиб, дастлаб герменевистлар (шарҳловчи-олимплар)нинг вазифаси оддий инсонларга илоҳий ва юридик матнларни шарҳлашдан иборат бўлган (12, 115).

Таржимада герменевтик ёндашувни қўллашга масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Таржиманинг герменевтик аспектида “таржимоннинг асл матнни тушуниши ва шарҳлаши ҳамда таржима матнни китобхон тушуниши ва талқин этиши масалалари” ўрганилади (5, 447). Таржимонлик системасининг мураккаб тузилишига герменевтик ёндашув нуқтаи назаридан алоҳида эътибор “матннинг маъновий тузилишини” очиб беришга қаратилган мазкур системанинг бир бўлаги бўлган “матн-интерпретатор”га қаратилади. “Герменевтика” термини “изохлайман, шарҳлайман” деган маънони беради. Фалсафий герменевтика XX асрнинг иккинчи ярмида немис философлари М. Хайдеггера ва Х. Г. Гадамера илмий тадқиқотларида шаклланди.

Герменевтик фалсафада таржима биринчи навбатда одамлар, маданиятлар, тиллар орасидаги хилма-хилликни йўқотиш усулига айланади. Бунда фалсафий фикр таржиманинг энг биринчи вазифасини кўндаланг қўяди: “таржима бирор фикрни билдирмайди, у ёки бу мазмунни кўчирмайди, қандайдир қўшимча фикр билдирмайди, бироқ тиллар ўртасидаги ўхшашликни белгилайди, ўзининг имкониятини намоён этади” (6, 50). Бошқа сўзлар билан айтганда, таржима “тиллар ўртасидаги асосий ўзаро алоқадир” (4, 88). Фалсафий тадқиқотларнинг аксариятида фалсафий герменевтика (тушуниш ва талқин қилиш назарияси), билимлар назарияси (шарқ фалсафасида инсоннинг ақл идрокини акс эттириш, ғарб фалсафасида мантиқ жараёни ифодалаш назарияси), коммуникация фалсафаси аспектида таржимашуносликни психология, психоллингвистика, семиология, маданиятшунослик каби йўналишлар билан боғлиқликда ўрганади.

Матннинг герменевтик таҳлили ҳақида гапирганда, тадқиқотчилар уни “таржима матнининг тил материясида тўлақонли адекват қайта яратилиши”да асосий восита сифатида тушунадилар. “Адекват” термини герменевтик ёндашувда алоҳида ўринга эга бўлди. Таржима жараёнининг ўзи “адекват” тушунчаси ёрдамида тушунтирилади. Таржима қилиш таржима қилинаётган тилнинг мазмуни ва формасини сақлаган ҳолда бошқа тил воситалари ёрдамида адекват таржимани қайта яратиш демакдир. Герменевтиканинг тушуниш, изохлаш, шарҳлаш ва талқин қилиш ҳақидаги фан эканлигидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор матндаги ахборотга қаратилади. Асарнинг беш босқичли ахборот захираси ажратилади. Мазкур ахборот захирасининг учинчи босқичи лексик бирликни эркин қўллаш билиш ва тўғри тушуниш, уни нутқда қўллаш даражаси билан таржимани муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Тушуниш

муаммосини герменевтик ёндашув орқали таҳлил этишда унинг “кутиш” ва “тушуниш” босқичлари ажратилади: матннинг алоҳида олинган қисмларини тушунмасдан туриб матнни тўлалигича тушуниш мумкин эмас. Интерпретатор матннинг алоҳида қисмларини босқичма-босқич таҳлил қила туриб матннинг мазмунини тушуна бошлайди. Матнда кўтарилган мавзунинг моҳиятини, мақсадини ифодаловчи ғоя матн мазмунини очувчи қисмларни тушунишида калит вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам матн мазмуни ташкил этувчи алоҳида қисмлар орқали бутун мазмун англашилиши интерпретациянинг асосий мезонларидан бири саналади. Баъзида оригинал асар муаллифи воқеаларни китобхоннинг фон билимларига ҳавола этган ҳолда ахборотни матнда тўлиқ очмайди. Бу эса матнда ахборотнинг тўлиқ шаклланмаслиги ва матнни тўла тушунмасликка олиб келади. Шунда таржимон зиммасига матнни бошқа тилга беришда асл матнда ифодаланган ахборотни ўқувчиларга етазиб беришда транслитирация ёки изоҳ беришдан фойдаланади. Таржима матнларида миллий адабиётни таржима қилишда шу миллатга хос бўлган маданий стереотипларни бошқа тил вакилларига тушунтиришда изоҳлардан фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Матнларни герменевтик нуқтаи назардан уларни аниқ ахборотга эга бўлган ва аниқ ахборотга эга бўлмаган матнларга бўлиб таҳлил қилинади. Аниқ ахборотга эга бўлган матнда мазмун фақат ягона тушунчага эга бўлади, матнда ахборот шаклининг кўплиги бир нечта шарҳлаш, тушунтиришни юзага келтиради ва натижада сўзнинг кўп планлиги юзага келади. Шу боис, герменевтикада ҳар бир сўз муҳим роль ўйнайди, чунки сўз маъносининг вариантчилиги матнга худди шундай кўпмаънолиликини бахш этади. Шунинг учун ҳам асл матннинг маъновий кўпланлиги таржиманинг кўп вариантчилигини пайдо қилувчи лингвистик сабаблардан биридир.

Таржиманинг мураккаблиги битта сўз матндаги кўп сонли бирликлар мазмунини ифодалашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Г. Гадамеранинг таъкидлашича: “Таржиманинг тўлақонли бўла олмаслиги сабаби шундаки, гапда мужассам бўлган ягона мазмунни бошқа тил бирликларига мувофиқ келувчи сўз туркумларига алмаштириб қўйила олмайди ва таржима қилинган китоб, одатда, ҳарфлар тўпламидан асл матндаги руҳни яратади” (5, 449). Бироқ асл матндаги ноаниқлик китобхонни воқеалар ривожини тушуниши учун фон билимларини кенгайтиришга ундаш ва асарнинг мантикий мазмунини бойитиш мақсадида муаллиф томонидан атайин яратилади. Баъзи ҳолатларда эса муаллифнинг ўз фикрини тўлиқ ва аниқ ифода эта олмаслиги, ёки ўзга маданият соҳибларининг яшаш тарзини тўлиқ тасаввур эта олмаслиги натижасида асл матнда ноқаниқликлар юзага келади. Бундай вазиятда таржимон муаллиф нима демоқчи эканлигини аниқ тушуниб олиб, таржимада шу фикрни ифодалаш шарт.

Таржима жараёнида уч звено — занжир муаллиф-таржимон-китобхон муносабати жуда муҳим. Муваффақиятли таржимада ҳар учала звенонинг коммуникативлик компетенцияси ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик планда бир-бирига нисбатан тенг ҳисобланади. Китобхоннинг компетентлик даражаси етарли бўлмаса, ҳаттоки энг яхши қилинган таржимани ҳам паст даражага тушуриб қўйиши мумкин. Айниқса, китобхоннинг тил билмаслиги ҳамда лингвистик билимлари етарли эмаслигига аҳамият қаратиш лозим, сабаби тавсия этилаётган таржима асарини ўқиб баҳолай олиш учун китобхондан ҳам компетентлик талаб этилади. Агарда бошқа маданиятга хос

тушунчаларни ифодаловчи таржима асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлса, уларнинг лингвистик билимларни ўсишига ёрдам берувчи қўшимча изоҳлар ва ҳатто матнга қўшимча иловалар бериш мумкин. Шу тариқа коммуникация жараёнида иштирок этадиган муаллиф-таржимон-китобхон компетенцияси ўртасидаги фарқни бартараф этиш таржиманинг энг муҳим герменевтик муаммоларидан бири саналади.

Фанда дискурс сингари герменевтикага бошқача қараш мавжуд (9, 28–35). Ўрта асрларда фикрни тушуниш ҳақидаги таълим сифатида қабул қилинган герменевтика матни изоҳлаш санъати ва назарияси бўлиб, бошқа алоҳида ўзига хос индивидуалликни тушунишга ўргатиш сифатида тадқиқ этилади. Таржима герменевтиканинг тор маъноси билан чекланган бўлса-да, матндаги ноаниқ фикрни ифодалашда қўлланилиши зарур, матнда аниқ тушунчага эга бўлган мазмунни изоҳлашга эса ҳожат йўқ. Шу тариқа таржимани герменевтик дискурс тури сифатида тушуниш нафақат матннинг аниқ маъносини, балки унинг яширин маъносини ҳам аниқлашни ўз ичига олади. Мазкур яширин компонентни ифодалашнинг амалий воситалари сифатида асл-герменевтик, герменевтик таржима ва ассоциатив герменевтик турларга ажратиш мумкин. Асл герменевтик турга бошланғич матннинг мазмунини етказишда адекватлик ва эквивалентлик даражаларининг аниқ ва тўлиқ берилиши, таржимонлик изоҳлари киради. Герменевтик таржима таржима қилинаётган тил бирликларини таржимоннинг сўз бойлигидан келиб чиқиб, лексик birlik ёки бутун бир матнни очиқ берилишини ўз ичига олади. Ассоциатив-герменевтик таржимага матн муаллифи ва китобхон (рецепиент) муносабатида юзага келадиган ассоциациянинг шаклланишига ёрдам берадиган таржима тарансформацияси киради. Ўзга маданият соҳиби асл матндаги воқеа-ҳодисани ўз дунёқарашига мослаштириши учун ассоциатив таржимада таржимон томонидан матн мазмунига қўшимчалар, аниқликлар киритилади.

Таржимоннинг чет эл маданияти билан яқиндан танишиши матн мазмунини тўлиқ ва чуқур тушуниш имкониятини беради, бусиз адекват таржимани амалга ошириб бўлмайди. Л. С. Бархударовнинг “Таржимон нимани билиши керак?” номли мақоласида таъкидлаганидек, “мазкур матнда тилдан ташқари матн мазмунидаги реал экстралингвистик омиллар ҳақида билимга эга бўлиши лозим” (3, 18). Бошқа сўзлар билан айтганда, турли контекстларда матндан қандай мазмун англашилаётганлигини, яъни асл матнни адекват тушуниш учун адекват таржима қилиш лозим. Шунинг учун ҳам “тушуниш” таржиманинг ажралмас таркибий қисмидир. Мазмунни адекват тушуниш эса матнни бошқа тил birlikлари орқали адекват беришдан мураккабдир.

Замонавий жамият асрлар давомидаги эволюцияси натижасида ўзида шахснинг маданий асосларини қайта ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам биз жамиятнинг ҳозирги динамикасига, янги тенденцияларига, ривожланиш даражасига қандай таъриф беришимиздан қатъи назар, унинг кўп қиррали хусусиятларини тўлиқ қамраб ола олмаймиз. Бизнинг назаримизда, вақтинчалик, тез ўтиб кетадиган тасодифий ҳолатларга боғлиқ бўлмаган сифат ўзгаришлари барқарор тенденциялар, мураккаб ўзгаришлар, одамларнинг ҳаёт тарзида содир бўладиган ўзгаришини намоён этади.

Таржима турли тилда гаплашувчи инсонлар фикрини ифодалашни туфайли маданий алоқаларни йўлга қўйишда муҳим ёрдамчи манба саналади ва унинг имкониятлари бадиий матнлар таржимасининг экспрессив ва ўзига хос функцияларида акс этади.

Бугунги кунга келиб, таржимонлик санъати, хусусан, бадиий асарларни таржима қилишда хорижда ва юртимизда юксак натижаларга эришилди. Албатта, буларнинг барчаси таржима назариясининг ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Инсониятнинг бебаҳо адабий мероси билан танишиш учун янги китобхонларни жалб этиш мақсадида "...таржимонларни, ҳаттоки тажрибасиз таржимонни ҳам қуроллантира оладиган аниқ тамойилларга асосланган бадиий таржима назарияси зарур эди" (18, 4).

Илмий матнлар таржимасидан фарқли ўлароқ, бадиий матнни санъат билан қиёслаш мумкин. Бадиий матнлар таржимасининг мураккаблигини олам манзарасининг турли тиллар ва маданиятларда ўзига хос тарзда ифодаланиши билан тушунтириш мумкин, бу аслият ва таржима тилига тегишли бўлиб, сўзма-сўз таржима кўп ҳолларда бадиий асарни чуқур ўзгартира олмайди.

Ҳар қандай таржимон ҳам бадиий матннинг аслиятини олдиндан ҳар томонлама ўрганиб, тасаввур ҳосил қилгандан сўнггина, мослаштирилган бадиий таржима матнини ярата олади. Адабий таржимани хатосиз амалга ошириш учун таржимон сўз ўйинини тўғри англай олиши, бадиий образларни очиб бериши лозим. Бундан келиб чиқадики, бадиий асарлар таржимони нафақат икки тилнинг билимдони, балки ёзувчи ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби бадиий асарнинг таржимаси ҳам бадиий чиқиши муҳим, шунинг учун ҳам таржимон ўз она тилида қалами ўткир, моҳир сўз устаси ҳам бўлиши керак. Шунинг учун кўпинча шоир ва ёзувчилар аслият тилини мукамал билмасалар-да энг яхши таржимонлар бўлиши бежизга эмас.

Бадиий таржимани илмий тадқиқ этиш асл манбадан алоҳида олинган сўз ёки жумлаларни таржимон қандай ўгирганлигини таҳлил этиш эмас, балки муттаржим матн таржимасида қўллаган баҳолаш мезони ва талқинини асослаш демакдир. Таржимашунос олим Ғ. Саломов таъкидлаганидек, аслият матнини таржимада қайта яратиш жараёни уч босқичда амалга ошади:

1. Аслиятни таржимон қандай қабул қилиши ёки қай даражада тушуниб етиши.
2. Асарнинг ғояси, муаллифнинг мақсад-муддаоси ва унинг ўзига хос услубини қай тарзда талқин қилиши.
3. Сўз санъати намунасини ўз она тилида қайта тиклашда муқобил восита, усул ва йўл топа олиши (16, 74).

Албатта, бадиий асарни таржима қилиш аслиятнинг асосий омили бўлган луғат бойлигини таржима қилинаётган тилнинг луғати билан алмаштириб қўйиш эмас, балки таржимон-муаллифнинг дунёкараши, оригинал матн коцепциясини тўғри англаши, айнан асарда акс этган сўз бойлигини қайта ифодалай олишидан иборат.

Бадиий матн таржимасининг ўзига хослигини таҳлил қилишда барча муттаржимлар, биринчи навбатда, дуч келадиган муаммолар қуйидагилардан иборат:

- сўз бирикмалари, фразеологизмлар, мақол-маталларнинг ўзига хослиги;
- сўз ўйинининг таржима муаммолари;
- маданий фарқларни эътиборга олиш зарурати.

Сўз бирикмалари, фразеологизмлар, мақол-маталларнинг ўзига хослиги бир қарашда унчалик мураккаб эмасга ўхшайди. Сўз бирикмалари, синонимлар луғатларидан фойдаланиб, ҳеч бир кийинчиликсиз мос таржима вариантыни танлаш мумкин.

Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси биз яшаётган дунё маданиятининг ўзаги ҳисобланади, Ғарб ва Шарқ маънавий цивилизациясининг қиёфасини белгилайди. Тадқиқотимиз объекти бўлган Амин Маалуфнинг “Самарқанд” асари ҳам фалсафий асарлар ҳисобланади. Ушбу асарда Ғарб ва Шарқ фалсафаси ўзаро уйғунлашган ҳолда мавжуд давлат тузилиши, унинг ички ва ташқи сиёсати, дин масалаларига муносабатлари ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан фалсафий матнлар таржимаси фалсафа ва таржима ўртасидаги узвий боғлиқни кўрсатишда муҳим роль ўйнайди.

Фалсафа кенг маънода, “донишмандликни севиш”; тор маънода, ижтимоий онг шакли бўлган маданият, кадриятни ифодалайди. Демак, фалсафа маданий тушунчалар нуқтаи назаридан миллийликни ифодаласа, онтология, гносеология, табиат фалсафаси, антропология каби фан йўналишлари нуқтаи назаридан умуминсонийлик ва универсаллик хусусиятларини ифода этади.

Ҳар қандай фалсафий ғоя ва қарашлар ўзи мавжуд бўлган давр хусусиятини, маънавиятини ўзида акс эттириши билан эътиборлидир. Биз бирор бир асарни таҳлил этар эканмиз, унинг моҳиятини, албатта, асарда тасвирланган замон руҳи ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган давр мафқураси нуқтаи назарига бўлган муаллиф муносабатини кузатамиз.

Ханс Георг Гадамер, матн мазмунининг инъикоси бизнинг онгимизда намоён бўлишини таъкидлаб, муаллифнинг дунёқарашидан келиб чиқиб айнан матн ўйлайди, фикрлайди, дея таъкидлайди (5, 448). Матндаги кичик бир маъно асарнинг бутун мазмунидан англашилади ёки, аксинча, кичик қисм мазмунидан таржима асарнинг асл матндаги мазмуни англашилувчи герменевтик ғоя (объектив борликни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа муносабатни ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи тушунча, тасаввур) доираси билан узвий боғлиқ. Инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги жамики нарсаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиши, инсоният ҳаётидаги эзгулик ва ҳақиқат, яхшилик, ёмонлик кабилар фалсафий муаммолар қаторига киради. Масалан, француз ёзувчиси Амин Маалуф Шарқ халқларининг ўрта асрларда яшаш тарзининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитларининг Ғарб цивилизацияси билан, XI асрдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлиқлигини талқин этишда фалсафнинг қарама-қаршилик диалектикасидан унумли фойдаланган. Бу асарнинг бошқа маданият доирасида қайта туғилиши эса таржиманинг фалсафий герменевтик аспекти билан чамбарчас боғлиқ. Қуйидаги мисолда муаллифнинг “Самарқанд” асарида қўлланилган ушбу матннинг ўзбек тилига таржимаси, тўлиқ шарҳлаш ва ўзбек маданиятига мос тарзда талқин этилган.

Француз тилида: ... lorsqu'une future mère rencontre dans la rue un étranger qui lui plaît, elle doit oser partager sa nourriture, ainsi l'enfant sera aussi beau que lui, avec la même silhouette élancée, les mêmes traits nobles et réguliers (11, 10).

Ўзбек тилида: ...бўлажак онанинг рўпарасидан келишган, хушқомат йўловчи чиқиб қолса, у тугилажак гўдаги ана шу кишига

ўхшашини тилаб, қўлидаги егуликларини йўловчи билан баҳам кўриши керак (11, 9).

Француз ёзувчиси ўрта асрларда Шарқ халқларига хос бўлган ирим-сирим билан боғлиқ одатни туғилажак гўдакка ота-она ғамхўрлигининг рамзи сифатида тасвирлайди ва мазкур одатнинг тавсифини таржимада шарқ аёли тимсолини қайта яратади.

Фалсафий асарларни талқин этишда, уларни таржимада қайта жонлантиришда юқорида айтиб ўтганимиздек герменевтик таржима катта роль ўйнайди. Чунки ҳар қандай фалсафа миллий хусусиятга эга бўлади. Шу боис, герменевтик ҳодисанинг фалсафа предметига айланиши бежиз эмас. Герменевтика ўзининг узок асрлик тараққиёти давомида ўрта асрлардаги муқаддас матнларни талқин қилишдан ХХ асрда мазкур соҳани фалсафий предметга айлантиришгача бўлган йўлни босиб ўтди. Герменевтика ўша ўрта асрлардаёқ таржима қилинаётган матнларни бошдан охиригача ўқиш зарурлигига эътибор берган, чунки таржима қилинаётган асл матнда ифодаланаётган миллий руҳни сақлаш таржимонлар олдидаги муҳим вазифалардан бири саналган.

Ҳозирги кунда ҳам таржимонлар томонидан қиёсий-чоғиштирма планда матнни аслиятдагидек ифода этишда таржима ва герменевтикани бирлаштирувчи мазкур қоидаларга алоҳида эътибор бермаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, Амин Маалуфнинг "Самарқанд" асарида қўлланилган қуйидаги жумлалар шарқ урф-одатларини ифодалаши билан эътиборли бўлиб, мазкур матннинг ўзбек тилидаги таржимасида шарқона урф-одат адекват ифодаланмаган, асл матндаги *"Voile retroussé, elle a quinze ans à pleine"* (11, 10), жумласи таржима матнида *"Чодираси кўтариб қўйилган ушбу маъсума аёлнинг ёши ўн беш ёшларда бўлса керак"* (11, 14) мазмунида ўз ўрнида берилмаган. Француз тилидаги *"sans un sourire sur ses lèvres ingénues"* таржимаси *"қизчаларникидек латиф лабларини қисганича"* (11, 4) шунингдек, асл матнда йўқ *"яланғоч билакларини чўзиб"* каби шарқ аёлига хос бўлмаган жумлалар билан тавсифланган.

Инсон тафаккури дунёни идрок этишда ақл-идрок ва ҳис-туйғуга суянади. Қуйидаги жумлаларда файласуф ва шоир Умар Ҳайёмнинг Самарқандда бошланажак фаолиятида хавотир ва ҳадик, яхшилик ва ёмонлик доимо ёнма-ён юриши таъкидланади:

Француз тилида: — *Le jour où tu pourras exprimer tout ce que tu penses, les descendants de tes descendants auront eu le temps de vieillir! Nous sommes à l'âge du secret et de la peur, tu dois avoir deux visages, montrer l'un à la foule, l'autre à toi-même et à ton Créateur. Si tu veux garder tes yeux, tes oreilles et ta langue, oublie que tu as des yeux, des oreilles et ta langue* (11, 23).

Ўзбек тилида: — *Дилингдаги ҳамма фикрларни тилингда ифодалайдиган кунлар келгунча авлодларининг авлодлари ҳам кексайиб қолишлари тайин. Биз сирлари очилмаган кўрқув тўла оламда яшаймиз: бундай дунёда яшашинг учун икки қиёфанг бўлиши лозим. Биринчиси, одамлар учун иккинчиси ўзинг ва Яратган эгам учун. Шунинг учун бу дунёда яшашни истасанг, кўриб завқланадиган кўзларингни, эшитиб қувонадиган қулоқларингни, фикрингни каломга келтирувчи тилингни асраб қоламан десанг, фикрингни мулоҳаза қилиб ифодалашни ўрган* (11, 46).

Таржимон француз тилидаги матн мазмунини тўғри интерпретация қилган. Француз тилидаги *"à ton Créateur"* жумласи

таржимада ўзбек менталитетига хос бўлган этикокод тушунчасини ифодаловчи “Яратган эгам учун” ибораси орқали берилган.

Куйидаги матнда Умар Хайёмнинг этикокод ҳақидаги мулоҳазалари чуқур фалсафий мушоҳадаларни ифода этади:

Француз тилида: — Je ne suis pas de ceux dont la foi n'est que terreur du Jugement, dont la prière n'est que prostration. Ma façon de prier? Je contemple une rose, je compte les étoiles, je merveille de la beauté de la création, de la perfection de son agencement, de l'homme, la plus belle oeuvre du Créateur, de son cerveau assoiffé de connaissance, de son coeur assoiffé d'amour, de ses sens, éveillés ou comblés (11, 22).

Ўзбек тилида: — Мен Аллоҳ томонидан инсонга ато қилинган соғлом фикрни таъқиб қилувчи тақводорлардан эмасман. Улар дин ва иймонни фақат Яратганга ибодат қилиш деб тушунадилар. Мен Яратганга қандай иймон келтираман биласизми? Масалан, мен атиргулга ёки юлдузларга қараб завқланаман. Ягона Аллоҳнинг яратувчанлигига мафтун бўламан, у бунёд қилган дунёнинг мукамаллигидан, унинг гўзал муждаси – одамлардан, уларнинг билимга чанқоқ мияси борлигидан, муҳаббатга чанқоқ қалблари, интилувчан ёки қанотли ҳиссиётлари борлигидан завқланиб, Яратганга иймон келтираман (11, 47).

Таржимон ўзбек халқи иймон-этикодини ифодаловчи сўзларни ўз ўрнида қўллаб, китобхонни ўша давр руҳига олиб кира олган.

Герменевтик нуқтаи назаридан таржима матнида йўл қўйилган хатоларни куйидаги уч босқичга ажратишимиз мумкин: 1) таржимонлик хатоси матн мазмунини тўғри идрок этмаслигида; 2) таржимонлик хатоси матнни нотўғри интерпретацияси қилишида; 3) матн мазмуни нотўғри интерпретация қилиш матнни ноадекват шарҳлашга олиб келади (8, 193–199).

Ҳар қандай матн матн билан боғлиқ бўлмаган деталларни китобхон тафаккурида ҳосил қила олади. Шунинг учун ҳам китобхондан ҳам матн маъносини тўғри тушуниш учун асарда акс этаётган воқеа-ҳодисани келтириб чиқарган вазият тўғрисида билимлар базасига эга бўлиши керак. Таржимонда мавжуд бўлиши керак бўлган ахборот захирасининг беш даражаси хусусида Р. К. Миньяр-Белоручев куйидагича фикр юритади: “биринчи даражада ҳаётнинг бирор соҳасига тегишли лексик бирликларни билишдан иборат, мазкур бирликлар матнда ассоциация қилинмаса, уни нотаниш лексика сифатида ўрганиш лозим; иккинчи даражада тақдим этилган лексик бирликлар барча билимлар соҳаси билан эмас, балки унинг бир қисми билан боғлиқ бўлиб, коммуникатив мулоқотда доим ҳам иштирок этавермайди; учинчи даражада матннинг асосий тил бирликлари таржимоннинг ахборот захираси билан ассоциация қилинади. Бу ҳолатда кўпроқ таржимоннинг денотат лексик бирликларни аниқ тушуниши ва уларни ўз нутқида эркин қўллай олиши назарда тутилади. Тўртинчи даражада таржимоннинг матнда ифодаланган мазмуннинг денотатив белгиси ҳақида хабардорлиги талқин этилади, яъни таржимон таржима қилаётган соҳаси бўйича билимларга эга бўлиши лозим” (10, 58–60). Р. К. Миньяр-Белоручев матн таржимаси учун учинчи ва тўртинчи даражанинг муҳимлигини таъкидлайди. Бироқ таржимонга барча билимлар соҳасида мутахассис бўлиши лозим, деб талаб қўйиш нотўғри. Умуман, барча соҳалар бўйича мутахассис бўлган таржимонни топиш қийин, албатта. Аммо бадий асар инсон ҳаётининг барча жабҳаларини ёритишини инкор этиб бўлмайди. Шу боис, таржимон бадий матн устида ишлар экан

тўртинчи ахборот захирасини тўлдириши учун соҳа мутахассисига муружаат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам адекват таржима машаққатли меҳнатни талаб этади, айниқса, таржима қилинаётган асар бошқа маданиятнинг миллий манзарасини акс эттирса, таржимон олиб бораётган адқикот ишининг муҳимлиги янада ошади.

Хулоса. Таржима ва фалсафанинг ўзаро муносабати, таржимада фалсафа аспекти ҳисобланган герменевтик ёндашувнинг қўлланилиши хусусидаги назарий ва амалий таҳлиллардан куйидаги хулосаларни бериш мумкин:

1. Таржима назарияси ва амалиёти асосида герменевтик ёндашув бўлиши зарур. Чунки, таржимоннинг асл матнни тўлақонли тушуниши, асл матнга тенг келадиган лексик воситаларни таржима матнида тўғри қўллай олиши асл матндаги воқеликни тўғри тиклашига ёрдам беради. Ўз миллий олами ва дунёкарашига эга бўлган бошқа маданият вакили асарда акс этган воқеликни муаллиф кўзи билан кўриши, ушбу асарни миллий тил воситалари ёрдамида қайта яратилганлиги, миллий ўзига хослиги таржима асарининг асосий таркибий қисмига айланади.

2. Асарни адекват тушуниш унинг миллий ўзига хослигини ҳам тушунишни тақозо этади. Шундай қилиб, миллий ўзига хосликни қайта яралишини бадий таржиманинг энг муҳим адекват мезони сифатида, герменевтик ёндашув эса бадий асарнинг миллий ўзига хослигини адекват қайта яратилишининг энг яхши воситаси сифатида ўрганиш керак. Миллий, этник хусусиятга эга бўлган тарихий матнларни ифодаловчи бадий асрларнинг таржимаси таржима амалиётида ахборотни узатишнинг кенг қўлланиладиган усул ва услубларидан фойдаланишда герменевтик ёндашув муҳим роль ўйнайди.

3. Таржима ва фалсафа муносабатлари умумгуманитар фанлар муаммолари доирасида файласуф ва филолог-таржимонларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиради ва таржима назарияси йўналишлари соҳасидаги баъзи умумий масалаларини ҳал этишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Автономова, Н. С. Познание и перевод. Опыты философии языка. — М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2008. — 704 с.
2. Anthony Pym, *Philosophy and Translation // A companion to translation studies*, Clevedon-Buffalo-Toronto, 2007. — P. 24–44.
3. Бархударов Л.С. Что нужно знать переводчику? // Тетради переводчика. Вып.15. — М.: Международные отношения, 1978. — С.18–23.
4. Беньямин В. Учение о подобию. Медиаэстетические произведения. — М.: РГГУ, 2012. — 288 с.
5. Гадамер Х.Г. Истина и метод: Основы филос. герменевтики: Пер. с нем./Общ. ред. и вступ. ст. Б. Н. Бессонова. — М.: Прогресс, 1988. — 704 с.
6. Деррида Ж. Поля философии. Пер. с фр. Д. Кралечкина. — М.: Академический проект, 2012. — 376 с. — URL: <http://ihtik.lib.ru/index.html>
7. Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Шарҳи билан, 1-китоб. — Т.: Шарқ, 2000. — 180 б.
8. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение, 2-е изд., испр. — М.: Р. Валент, 2011. — 408 с.

9. Моисеев М.В. Перевод как вид герменевтического дискурса//Коммуникативные исследования. — 2016. — № 2 (8). — С. 28–35.
10. Миньяр-Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. — М.: Воениздат, 1980. — С.58-60.
11. Maalouf A. Samarcande. Paris: Editions Jean-Claude Latté, 1988. — 312 p.
12. Маалуф А. Самарқанд. Роман/ Кўчибоев А. (ўзбек тилига таржима). — Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. — 360 б.
13. Kurbonova G. Hermeneutics as a translation aspect. Конференция. — Тошкент, 2021. <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1082>
14. Ортега-и-Гассет Х. Две великие метафоры. Нищета и блеск перевода // Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия? — М.: Наука, 1991. — С. 90–125.
15. Рябова М. Э. Философские основы перевода. — URL: <https://study-english.info/article033.php>
16. Саломов Ф. Таржима ташвишлари. — Тошкент: Фафур Фулом, 1983. — 110 б.
17. Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1983. — 102 б.
18. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. Изд.2-е. — М.: Прогресс, 2002. — 656 с.
19. Собрание сочинений: Т. 3: Высокое искусство; Из англо-американских тетрадей / Сост. Е. Чуковской и П. Крючкова. — 2-е изд., электронное, испр. и дополн. — М.: Агентство ФТМ, Лтд, 2012. — 640 с.
20. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва таржима назарияси. — Т.: Ўқитувчи, 1972. — 110 б.

References

1. Avtonomova N. S. *Poznanie i perevod. Opyty filosofii yazyka* (Knowledge and translation. Experiments in the philosophy of language), Moscow: Rossiiskaya politicheskaya entsiklopediya (ROSSPEN), 2008, 704 p.
2. Anthony Pym. *A companion to translation studies*, Clevedon-Buffalo-Toronto, 2007, pp. 24–44.
3. Barkhudarov L.S. *Tetradi perevodchika* (Translator's notebooks), Issue 15, Moscow: Mezhdunarodnye otnosheniya, 1978, pp.18–23.
4. Benjamin V. *Uchenie o podobii. Mediaesteticheskie proizvedeniya* (The doctrine of Similarity. Media aesthetic works), Moscow.: RGGU, 2012, 288 p.
5. Gadamer, H.G. *Istina i metod: Osnovy filos. Germenevtiki* (Truth and Method: Fundamentals of Philosophical Hermeneutics), Moscow: Progress, 1988, 704 p.
6. Derrida, J. H. *Polya filosofii* (Fields of Philosophy), Moscow: Akademicheskij proekt, 2012, 376p., available at: <http://ihtik.lib.ru/index.html>
7. Zhaloliddin Rumii. *Masnaviii ma"navii* (Poetry is spiritual), Tashkent: Shark, 2000, 180 p.
8. Komissarov V.N. *Sovremennoe perevodovedenie* (Modern translation) Moscow: R. Valent, 2011, 408 p.
9. Moiseev M.V. *Kommunikativnye issledovaniya*, 2016, No. 2 (8), pp. 28–35.

10. Min'yar-Beloruhev R.K. *Obshchaya teoriya perevoda i ustnyi perevod* (General theory of translation and interpretation), Moscow: Voenizdat, 1980, pp. 58–60.
11. Maalouf A. Samarcande, Paris: Editions Jean-Claude Latté, 1988, 312 p.
12. Maaluf A. Samarkand. Roman/ Kuchiboev A. (translation into Uzbek). – Tashkent: Uzbekistan, 2018, 360 b.
13. Kurbonova G. *Hermenevics as a translation aspect*, Tashkent, 2021. <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1082>
14. Ortega-i-Gasset Kh. *Chto takoe filosofiya?* (What is philosophy?), Moscow: Nauka, 1991, pp. 90–125.
15. Ryabova M. E. *Filosofskie osnovy perevoda* (Philosophical foundations of translation), available at: <https://study-english.info/article033.php>
16. Salomov G. *Tarzhima tashvishlari* (Translation concerns), Tashkent: Gafur Gulom, 1983, 110 p.
17. Salomov G. *Tarzhima nazariyasi asoslari* (Fundamentals of translation theory), Tashkent: Ukituvchi, 1983, 102 p.
18. Sepir E. *Izbrannye trudy po yazykoznaniiyu i kul'turologii* (Selected works on linguistics and cultural studies), Moscow: Progress, 2002, 656 p.
19. *Sobranie sochinenii* (Collected Works), vol.3, Moscow: Agentstvo FTM, Ltd, 2012, 640 p.
20. Sharipov Zh. *Badiii tarzhimalar va tarzhima nazariyasi* (Literary translations and translation theory), Tashkent: Ukituvchi, 1972, 110 p.